



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Депутатлар мамлакатимиз Конституциясида Қонунчилик палатасига берилган ваколатларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар.

Тақдим этилган ҳисобот Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўмиталарида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, соҳа экспертлари, ОАВ ходимлари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Сиёсий партиялар фракцияларида кенг таҳлилий ишлар ўтказилиб, бу депутатларга электрон таъминотлар ва давлат мақсадли жамғармаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати ижросининг боришига нисбатан ўзларининг қатъий нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан мамлакатимиз Хукуматидаги жорий йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида белгиланган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг амалга оширилиши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўрта муددатли дастурларини амалга оширишни давом эттириш биринчи

ярим йилликда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ижобий динамикаси сақлаб қолинишини ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилишини таъминлаганини таъкидланди.

Қунончи, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 8,1 фоиз ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Бунда макроиктисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиб, ташқи савдо айланишининг ижобий салдоуси кузатилди.

Чуқур ўйланган, пухта пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилганлиги Давлат бюджетни даромад қисмининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан ижросини 100,3 фоизга таъминлаб, бу ЯИМга нисбатан 23,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг харажатлари ЯИМга нисбатан 23,4 фоизни ташкил этиб, бу Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажариш имконини берди.

Бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб турибди: харажатлар қисмининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан эшитилган ҳисобот юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

“Ўзэкспомарказ”да ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилаётган анъанавий “ICTExpo – 2015” ахборот технологиялари миллий кўргазмаси очилди.



Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Х.Мирзохидов ва бошқалар ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани, жумладан, “Электрон ҳукумат” тизими ривожлантирилаётгани мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт этиришининг муҳим омил эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор мамлакатимизда ахборот-коммуника-

ция технологияларини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Бу борада шакллантирилган қонунчилик базаси ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмақлашмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бунда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилаётди.

Бу йил “ICTExpo – 2015” миллий кўргазмаси Тошкент ахборот технологиялари университетида Самарқанд филиалида ҳам ўтказилмоқда.

Видеокўприк тарзида ташкил этилган тадбир кўргазмага ташир буюрувчиларга ҳар икки кўргазма экспонатлари билан танишиш имконини берди.

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг етакчи корхоналари, дастурий таъминот компаниялари, провайдерлар, АКТ соҳаси учун ускуналар ва замонавий ечимларни етказиб бериш корхоналари, жумладан, Жанубий Кореянинг жаҳонга машҳур “LG CNS” компанияси, Япониянинг “NEC” корпорацияси ва бошқалар қизиқарли стенд ва бўлимларни намойиш қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Бельгия Қироллиги парламенти Вакиллар палатаси раиси Зигфрид Браке раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида музокара ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан учрашувда Ўзбекистон ва Бельгия ҳамкорлиги изчил тараққиёт этириб, ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бельгия парламенти вакиллари Ўзбекистонга, мамлакатимиз қонун ижодкорлари Бельгияга ташриф буюриб, мунтазам фикр ва таҳриба алмашмоқда.

Бельгия делегацияси аъзолари мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан таништирилди. Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ амалга оширилаётган ислохотлар самаралари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзаро таҳриба алмашуви фаоллаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бельгия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

А.САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 15 сентябрь куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Республикаси – Ўмон Султонлиги ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, кимё саноати, енгил саноат, авиаташув, сайёҳлик, маданият, илм-фан, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, архив иши соҳаларида фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, комиссия хамраиси Элёр Ғаниев икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб-қувватлашда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг 2009 йил октябрь ойида Ўмонга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Шунингдек, ҳаво транспорти қатнови, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларда изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Транспорт-коммуникация соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишидир. 2011 йилда Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Ўмон темир йўл коридорини ишга тушириш бўйича битим имзолангани бунга мисол бўла олади. Мажлисида ушбу лойиҳа Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон билан Ўмон ўртаси-

даги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўмон делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат самаралари, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилаётган шароитлар, “Навоий”, “Жиззах” ва “Ангрен” индустриал зоналаридаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида Ўзбекистон ва Ўмон ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг янада ошириш, кенг қўламли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Ўмон ишбилармон доираларининг Ўзбекистондаги инвестициявий муҳитга, акциядор-

лик жамиятлари фаолиятига қизиқиши ортиб бораётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Ўмон ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга, – деди ЎЗА мухбирига Ўмон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги бош қотиби, комиссия хамраиси Саид Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидий. – Мазкур комиссия мажлиси икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада фаоллаштириш, истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама этиш учун қўлай имкониятдир. Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Ўмон темир йўл коридорининг ишга туширилиши ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни барча соҳаларда янада мустаҳкамлаш ниятидамыз.

Мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз юритилди. Ўмон делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Меҳмонлар “General Motors Powertrain Uzbekistan” қўшма корхонаси ҳамда Турин политехника университети фаолияти билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Оқдарё туманида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан фестиваль бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Бетақоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” гоёси асосида ҳамда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан “Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!” шиори остида ўтказилди.

● Андижонда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда “Олима” уюшмаси ҳамкорлигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда олима аёлларнинг иштирокига бағишланган тадбир ташкил этилди.

● Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг “Фикр, гоё, ҳаракат” лойиҳаси доирасида Қарши шаҳрида ўтказилган давра суҳбати “Ёт маданият маънавий таназулга етаклайди” деб номланди. Унда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

● Урганчда “2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” мавзусида конференция-семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Германиялик олимлар бундан тахминан 300-400 минг йил аввал яшаган ва тош бўлиб қолган инсон суякларидан фойдаланган ҳолда унинг ядроли ДНКсини таҳлил қилишга муваффақ бўлишди.

● Ҳиндистоннинг Air India авиакомпанияси ортиқча вазнга эга 125 нафар ходимига парвоз қилишни тақиқлаб қўйди.

● “IFA-2015” истеъмол электроникаси кўргазмаси доирасида Хитойнинг “ZTE” компанияси биометрик химояга эга янги смартфон тақдиротини ўтказди. Бармоқ изларидан ташқари ушбу ускуна кўз ва овоз сканерларига ҳам эга бўлиб, Gorilla Glass 2.5D химоя ойнасига эга 5.5 дюймли дисплейга эга. У 64 битли 8 ядроли Qualcomm Snapdragon 810 чипсет асосида ишлайди.

● Хитойдаги Жанубий Шаолинь ибодатхонасининг роҳиб Шан Лианг Библиядан ўрин олган сув устида юриш тўғрисидаги ривоятни ҳаётга татбиқ этгани ҳолда сув юзасида 125 метр масофани югурган ҳолда босиб ўтишга муваффақ бўлди.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашда туманлардаги поликлиникаларнинг муносиб ўрни бор, десак адашмаймиз.

Буни пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиника фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу тиббиёт муассасаси 2006 йилда фаолият бошлаган бўлиб, бугунги кунда 33100 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Шулардан ўсмирлар сони 1925 нафар, катталар 21800, болалар 9180 нафарни ташкил этади. Мазкур поликлиника Жаҳон банкининг молиявий кўмагида "Саломатлик-2" дастури лойиҳаси остида 558 млн. сўмлик барча замонавий тиббий жиҳозлар ҳамда лаборатор асбоб-ускуналар билан таъминланди. Барча оила шифокорлари ушбу дастур лойиҳаси асосида ўн ойлик умумламалиёт шифокорлари тайёрлаш курсларида ҳамда Врачлар малакасини ошириш институтида ўз билимларини мустаҳкамлаб қайтдилар. Умум амалиёт ҳамширалари иш жараёнидан акраламдан ҳолда малакаларини ошириб келмоқдалар. Бугунги кунда беш нафар шифокор ва тўрт нафар ҳамширага тренер тиббий ходимларнинг "Саломатлик-3" дастури лойиҳаси доирасида билим берилмоқда. Шунингдек, 20 нафар умумий амалиёт шифокорлари ва 48 нафар ҳамширалар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оила аъзоларига зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва сифатини ошириш йўлида иш олиб бормоқда.

— Поликлиникамида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналар ва болаларнинг муҳофаза қилиш, эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда 23-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат

Дўстмухаммедова. — Фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини мунтазам кузатиб бориш тизимли равишда йўлга қўйилган. Оналар фарзандли бўлганидан кейин ҳам шифокор ва ҳамшираларнинг доимий назоратида бўлади. Ёлғиз кексалар ва жисмоний имконияти чекланганларга уйда тиббий ёрдам кўрсатилади. Айтиб ўтишим жоизки, соғлом турмуш тарafdори бўлган инсон ўз саломатлигига берарво қарамайди. Вақти-вақти билан шифокорлар кўригидан ўтиб туради. Шунда беморга ҳам, шифокорга ҳам, оиласига ҳам энгиллик бўлади. Соғлом турмуш тарзини ҳаёт мезонига айлантирган киши узок умр кўриши баробарида, касалликларга чалинмайди. Жисмонан баркамол инсон эса улкан ишларга, бунёдкорликларга қодирдир.

Поликлиника ходимлари ультратовуш, эхоэнцефалограф, флюорография каби аппаратлардан фойдаланган ҳолда беморларга аниқ ва тўғри ташхис қўйиб, уларни даволашда тубус, дарсенвал, ингалляция анокмларини қўлламоқдалар. Тиббиёт маскани саккизта Волхона, замонавий тиббиёт анокмлари ва компьютер билан таъминланган. Лаборатор аппарати ёрдамида етти хил диагностика муолажалар, яъни АЛТ, АСТ, холестерин, умумий қон, қонда кальций миқдорини аниқлаш ишлари олиб борилади.

Халқимизда "Эл соғлиги — юрт бойлиги" деб бежизга айтилмайди. Бебаҳо бойлигимиз бўлган саломатлигимизни муҳофаза қилишда ушбу оилавий поликлиниканинг қўли энгил шифокору ҳамшираларнинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Айниқса соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги масаласи давлатимизнинг бош мақсадларидан бирига айланган.

СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Президентимизнинг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори репродуктив саломатлики янада мустаҳкамлаш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш борасида янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, тиббиёт соҳасида яратилаётган янгилликлар, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, яхшилаш ва турли касалликларнинг олдини олиш борасидаги муҳим вазифалар мужассамлашган.

Президентимиз ташаббуси билан Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ташкил қилинган Тошкент Давлат стоматология институти ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

— Тошкент Давлат стоматология институти республикада бу соҳадаги малакали кадрларнинг етарлигини таъминлаш, тиббиёт ходимларини етказиб бериш ва стоматологиянинг кўп қиррали соҳасини янада мукамал эгаллаш, шу билан бирга фуқаролар соғлигини яхшилаш

мақсадида ташкил қилинди, — дейди Стоматология ва юз-жағ жаррохлиги илмий-амалий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Махмуд Дўстмухаммедов биз билан суҳбатда. — Стоматология кафедраларида етук мутахассис шифокорларнинг етарли бўлганлиги боис ҳам бу соҳада яхши натижаларга эришиб келинмоқда. Биргина Болалар юз-жағ жаррохлиги бўлимида болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бўлимда асосан жаррохлик амалиётлари олиб борилади. Юз-жағ соҳаларидаги турли нуқсонларни, кемтикларни ва касалликларни жаррохлик йўли билан бартараф этиш борасида кенг қўллашга фаолият йўлга қўйилган. Бўлимимизда беморларнинг соғлиқларини тиклашлари учун зарур шарт-шароитлар ҳам яратилган. Болалар саломатлигини яхшилаш, мустаҳкамлаш, тез ва сифатли даволаш биз шифокорларнинг зиммасидаги асосий вазифадир.

Дарҳақиқат, Тошкент давлат стоматология институти Болалар юз-жағ жаррохлиги бўлимида малакали тиббиёт ходимлари томонидан болалар соғлигини яхшилашга

қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. 32 ўринга мўлжалланган мазкур масканда Махмуд Дўстмухаммедов, Махмадҷон Азимов, Рустам Омониллаев сингари ўз соҳасининг етук профессорлари, Шўхрат Ҳасанов, Қажрамон Шомуродов каби изланувчан шифокорлар ҳамда Нигора Дўстмухаммедова, Анора Зиятайва, Зебо Йўлдошева сингари ширинсухан, меҳрибон ҳамширалар фаолиятидан беморлар миннатдор.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони дастуруламал бўлмоқда.

Унда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий тиббиёт муассасаларининг тармоғи янада кенгайтирилди.

Шунингдек, беш поғонадан иборат самарасиз ишлайдиган, кўп харажат талаб этадиган эски тизим ўрнида замонавий, ихчам, аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга мўлжалланган тиббий-профилактика тизими йўлга қўйилди. Тошкент Давлат стоматология институти ҳам мана шундай халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган даргоҳлардан биридир.

Гулчехра САТТОР қизи

Мутахассис маслаҳати

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРА БЕРАДИ

Саратон касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ҳозирги кунда тўлиқ аниқланмаган бўлсада, унинг ривожланишида ташқи муҳитда учрайдиган захарли ва радиоактив моддалар (бензопирен, метилхолантрин, нитрат ва нитрит тузлари, оғир металллар кўрошин, симоб, уран ва ҳ.к.)нинг муҳим роль ўйнаши фанда тасдиқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти асосан ер шарى бўйича бир йилда 10 млн. одам саратон касаллигига чалинади.

Шаҳар ичида ёки атрофида жойлашган завод ва фабрика қувурларидан, автомобиллардан (хаво, сувга) чиқарилаётган, захарли моддалар одамларда нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари саратон касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

Аҳоли пунктларида тўпланган ҳар хил чиқиндиларни ёқиш йўли билан йўқотишга уриниш атмосфера ҳавосини қўшимча микдордаги захарли моддалар билан тўйинтиради.

Айрим ишлаб чиқариш цехлари ҳам ҳавонинг кислотаси, ишқор ва оғир металллар буглари билан ифлосланиши уларда ишлаётган ишчилар ички аъзолари ўсма олди касалликларининг ривожланишига олиб ке-

лади. Агар улар ўз вақтида соғломлаштирилмаса саратон касаллиги пайдо бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, табиат ва саноатдаги экологик муҳитнинг салбий томонга ўзгариши билан, саратон касаллиги кўрсаткичларининг ўсиши ўртасида узвий bogлиқлик бор.

Шуни айтиш жоизки, жамиятда экологик муҳитни яхшилашга қаратилган барча тадбирлар, агар улар кенг миқёсда узлуксиз, тизимли равишда олиб борилад саратон касаллигини камайтиришга сезиларли ҳисса қўйиши мумкин.

Завод ва фабрикалар қувурларидан чиқаётган захарли моддаларни махсус химия фийлтрларидан ўтказиш йўли билан тозалаш, автомобилларни босқичма-босқич газ билан ишлашга ўтказиш, ичимлик сувларини махсус фийлтрлар ёрдамида тозалаш, ишлаб

чиқариш цехларидаги ҳавони тозалаш, ишчиларни химия воситалари билан таъминлаш саратон касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларининг маълум даражада камайтилиши таъминлади.

Кўчалар, маҳаллалар, барча ташкилот ва муассасалар, хибобонлар санитария ҳолатини аъло даражада ушлаб туриш, аҳоли яшайдиган ҳудудда қалин дарактзорлардан иборат яшил зоналар ташкил этиш йўли билан атмосфера ҳавоси тозаланиши яхшилашга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқори ўлим кўрсаткичлари билан инсониятга таҳдид солаётган саратон касаллигининг олдини олиш бугунги кунда фақат тиббиёт ходимларининг иши бўлиб қолмасдан, балки бунда барча аҳоли, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, экологик муҳитни соғломлаштиришга масъул бўлган раҳбарлар туман, вилоят ва республика миқёсида ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилсалар саратон касаллиги билан касалланиш даражасини камайтиришга эришиш мумкин.

**Саид РЎЗИЕВ,
Яккасарой тумани бош онколог, тиббиёт
фанлари номзоди**

Узоқ умр кўришнинг сир-синоатларидан бири овқатланишни тўғри ташкил этишдир. Амалиётда озиқ-овқат маҳсулотлари асосан 5 та турга ажратилган: углеводлар, ёғлар, оқсиллар, витаминлар ва минерал тузлар.

ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

Қайси мамлакатда нима кўпроқ етиштирилса, маҳаллий аҳолининг асосий овқати ўша маҳсулот ҳисобланади. Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Жанубий-Шарқий Осиё халқлари гуруч, хитойликлар угра ва юмшоқ булочкани, Марказий ва Жанубий Америкада маккажўхорини, Шимолий Америка ва Европада картошка ҳамда бугдойни кўпроқ истеъмол қилишади. Марказий Осиё халқлари, юртимиз аҳолиси гуруч, нўхат, ловия, мош қабилардан таом тайёрлашни хуш кўришади.

Ҳар ким ўз таъбиға кўра, шарт-шароити ва соғлиғига қараб овқатланади. Буюк табиб Абу Али ибн Синонинг бундан минг йил муқаддам овқатланиш тадбирлари, қоидалари ҳақида айтган фикрлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. "Соғлиқни истган киши иштаҳаси чин бўлмай, меъдаси ва юқори ичаклари аввалги овқатдан бўшамай туриб ҳеч нима емасин.

Гавдага энг зарарли нарсаси меъдада овқат етилмасдан ва ҳазм бўлмасдан туриб яна овқат киритишдир".

Овқатни кўп ҳам, кам ҳам эмас, меъдада ейтиш қоидадасига амал қилиш керак. Саломатлиқни сақлаш учун ҳеч қандай дори ичиш ёки клубларга қатнаш шарт эмас, фақат соғлом турмуш тарзига риоя қилинса бас.

Кам е, кам гапир, кам укла. Нафсга эрк бериш ёки вақтида овқатланмаслик киши организмдаги мўътадилликнинг бузилишига олиб келади.

Сабзавот, полиз маҳсулотлари, мевани оч қоринга эмас, балки ҳазм қилиш хусусиятини ҳисобга олиб, овқатдан кейин тановул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бўш турган ошқозонга ҳўл мева ва полиз маҳсулотлари тушганда, 8 метр-грача узунлидаги йўғон ва ингичка ичаклар ҳам уларни осонлик билан суриб юборади. Натижада безовтагарчилик бошланади. Хох суюқ, хох қуюқ таом билан бўлсин, аввало ошқозонни озиқлантириб, сўнгра мева ва сабзавотлар истеъмол қилинса, овқат таркибидаги оқсил ва ёғлар меъдада парчаланмайди.

Айрим кишилар фақат қуюқ таомларни хуш кўришади. Ёғли, қовурилган, бунинг ус-

тига қуюқ таомлар меъда-ичак фаолиятининг бузилишига олиб келади. Айни пайтда фақат суюқ овқат тановул қилиш ҳам ярамайди. Овқатланишни тўғри ташкил этмаган кишиларда сурунқали гастрит, ўт қопи фаолиятининг бузилиши, ошқозон ости беши, ўн икки бармоқли ичак яраси касалликларининг учрашига шифокорлар кўп гувоҳ бўлишади.

Саломатлиги жойида бўлишни истган киши кунига ўн маҳал овқатланиши керак. Овқатлар таркибида оқсил, ёғ, витамин ва углеводлар бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Соғлиғида муаммоси бўлган кишилар эса кунига 4-5 маҳал кам-камдан овқатланиши, таққиланган маҳсулотларни истеъмол қилишдан ўзларини тийишлари лозим.

**Феруза АҲМЕДОВА,
диетолог шифокор**

Тадбирлар

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан шаҳримиз туманларидаги Аёллар маслаҳат марказларида шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан жамиятда ўз маъқеига эга бўлган фахрий аёллар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар учун байрам тадбирлари уюштирилди.

Ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтохур туманидаги Аёллар маслаҳат марказида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" шиори остида бўлиб ўтди. Унга тумандаги нуруний онахонлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизлар ташриф буюрди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда хотин-қизларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онига таъсир ўтказиши, аёлларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши самарали кураш, маънавий, интеллект ва касбий ўсишини таъминлаш борасидаги ишлар хусусида қизгин фикрлар билдирildi.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида кенг қўллаш ишлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий маъқеини ошириш, жамиятда кечаётган ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш, хусусан, давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, оилада, маҳаллада уларнинг иштирокини қучайтириш сингари масалалар муҳим аҳамиятга эга. Бугунги тадбир ҳам аёлларимизни эзгулик йўлида хайрли ишларни қилишга ундаш, яхшиликка суяниб яшашга, меҳр-оқибатли бўлишга, Ватани янада муҳаббат билан севиб, ардоқлашга чорлайди.

Эл севган санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, дилбар рақслари ва юракка яқин монологлари билан тадбирнинг мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлаб бердилар.

Учтепа туманидаги Аёллар маслаҳат марказида бўлиб ўтган байрам тадбири эса "Улугғисан, Ватаним!" деб номланди.

— Бу каби тадбирларни ўтказишдан қўзланган мақсад, жамиятимизнинг устуналари бўлиши аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларга маданий хизмат кўрсатиш ва аёл деб аталмиш мўътабар зотнинг жамият олдидаги бurchи ва вазифаларини тeрaнpoқ aнглaшгa ундашдан иборатдир, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Учтепа туман бўлими бoшқapувининг бoш мутахассиси Дилфуза Эгамова. — Зeрo, aёл бy кўхна oлaмининг гултожи, фapзaндлapнинг мeҳpибoн oнaси, oилaнинг сaрaнжoм-сapиштa бeкacи ҳисoблaнaди. Улар тyфaйлй кўнғиллap шoд, xoнaдoнлap oбoддир.

Мамлакатимизда хотин-қизларга ғамхўрлик қилиш, пири бадавлат онахонларимизни эъзозлаш халқимизга хос бўлган қадриятлар сира-сига киради. Ана шундай эъзозу эҳтиром оғушида умргузаронлик қилаётган аёлларимиз ёш авлоднинг тинч-осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш, Ватанимизнинг келажакка шукроналик туйғуси билан яшашга ундаб бoшқapлapгa ибpат бўлиб кeлaтиp.

Байрам тадбирида халқимизнинг сеvimли актрисалари Зухра Ашурова, Раъно Ярашева, Саида Раимова ва бир қанча эл ардоғидоғи хушовоз хонадалар ижросида куй-қўшиқлар янграб, аёлларни мадҳ этувчи дилтортар монологлар ижро этилди.

Олмazor тумани Аёллар маслаҳат марказидаги байрам тадбири ҳам ўзига хос тарзда ўтди.

Байрамга ташриф буюрган хотин-қизлар мустақиллигимиз инъом этган эркинлик, аёлларга бўлган юксак эътибор, амалга оширилаётган мақсадли ишлар негизидаги меҳр-оқибат, хайру-саховат ҳамда инсонийлик фазилатларининг барқарорлашуви хусусидаги илиқ фикрларини билдирдилар.

Ҳа, хотин-қизлар жамиятнинг етакчи кучи, таянч нуқтаси ҳисобланади. Бинобарин, аёл ёш авлодни эзгу мақсадлар сари йўналтиришда, қадриятларимизни қадрлашга ўргатишда, она юртимизни кўз қорачиғидек асрашга даъват этишда муносиб ўрин эгаллайди. Бу каби тадбирлар эса хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбир давомида янграган оҳанграбо наволар, дилтортар қўшиқлар ташриф буюрган аёлларимизнинг дилбар рақсларига уланиб кетди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

